

Энг катта фитна бўлмиш Масийх Дажжолнинг сифатлари (иккинчи мақола)



10:53 / 23.12.2024 2235

مَلَسَ وَهِيَ لَعْنَةُ هَلَلِ الْيَصْرِ هَلَلِ الْوُسْرِ أَنْ لَفَصَوَ: لَأَقُ هُنَّ عُلَلِ الْيَضْرَةَ دَبْعُ بَيْبِ أَنْ ع
هَلَلِ الْوُسْرِ أَي: أُولَاقِ، «يَمَالِكَ عَمَسْ وَأَيَنْ أَرْدَقُ نَمُّهُ كَرْدِي سُهُ لَعْلَ» لَأَقُ مَثَلِ الْجَدَلِ
يَذْمُرْتَلَاوْ دُوَادُ وَبِأَهْ أَوْر. «رِيحٌ وَأُ» لَأَقُ؟ مَوْيَلَا أَلْثَمِ ذِي مَوْيِ أَنْ بُولُقَ فَيَكُ

Абу Убайда розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ алайҳиссалом бизга Дажжолни сифатлаб бердилар. Сўнгра: **«Эҳтимол, келажакда мени кўрган ёки гапимни эшитган киши ҳам унга етишар»**, дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, ўша кунда қалбларимиз қай ҳолда бўлади, бугунгига ўхшашми?» дейишди. У зот: «Йўқ, бундан яхшироқ бўлади», дедилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Чунки улар иймони комил зотлардир.

لَا جِدَالًا نِإِوَتُومَيَّ تَحَّهَّ بَرُّمُكُنْمُ دَحَّ أَى رَى نَّ نَأْ نَوْمَلَعَتْ «مِلْسُومَوِي دِمْرَتَلَلَو
«هَلَمَع وَرَكَ نَمُ هُوَرْقَى رِفَاكْ هَوِي نَيَّ عَنِّي بَبُوتُكَمْ».

Термизий ва Муслимнинг ривоятида:

«...Биласизларки, бирортангиз ўлмагунича Роббини кўрмайди. Дажжолнинг икки кўзи орасига «кофир» деб ёзилган бўлади. Унинг амалини ёқтирмаган ҳар бир инсон уни ўқийди», дейилган.

بِسْحَى وَهَوِي تَأَيَّلَ لَلْجِرَالِ نِلْهَلْ أَوْفُ هَوِي نَعْنَى لَفِ لَجْدَلَابَعَمَسْ نَمُ «: دُوَادِ بِي بَأَلَو
«تَاهَبُّشَلْ نَمِ هَوِي تَعْبَى أَمَلْ وَأَتَاهَبُّشَلْ نَمِ هَوِي تَعْبَى أَمَمُ هُوَعْبَتَى فَنُمُومُ هَنَّا».

Абу Довуднинг ривоятида:

«Ким Дажжол ҳақида эшитса, ундан узоқлашсин. Аллоҳга қасамки, унинг олдига борган одам уни мўмин деб ўйлаб қолади ва ундаги шубҳаларга қарамай, унга эргашади. Ёки унга берилган шубҳалар сабабидан унга эргашади», дейилган.

Шарҳ: Дажжолга берилган сеҳр мўъжизаси, баъзи одамларни ўлдириб, бошқаларини тирилтириш каби мўъжизалар одамларни алдаб қўйиши мумкин. Шунинг учун унинг чиққанини эшитган ҳар бир мўмин унга йўлиқмасликка ҳаракат қилмоғи керак.

رَمَاعِ نَبِ مَاشِهَ لَعَزْمَنَ أَنْكَ : أُولَاقُ هَوِي نَعْنَى هَلْ لِي ضَرَّةَ دَاتَقِ بِي بَأُوَاءَمُ هَلْ بِي بَأَلَو
أُونَاكَ أَمَلْ لَجِرَالِ لِي نُوَرْوَأَجْتَلْ مُكُنْ نِي مَوِي تَأَدَلْ أَوْفِ نِي صُحَّ نَبْ نَارْمَعِ تَأَنَفِ
تَعْمَسْ يِنْمِ هَوِي دَحَّ بَمَلْعَأَلَو يِنْمِ مَلْسَوِ هَوِي لَعْنَى هَلْ لِي لَلْ لُوسَرَلْ رَضْحَأَبِ
رَمَاعِ لَسَلْ مَأَقِ لِي مَدَأَقْلَحْ نِي بَأَمُ «: لُوقَى مَلْسَوِ هَوِي لَعْنَى هَلْ لِي لُوسَرَلْ لَلْ لُوسَرِ
مِلْسُومُ هَوِي أَوْرَ . لَجْدَلَالِ نَمُ رَبُّكَ أ

Абу Даҳмо ва Қатода розияллоҳу анҳумолардан ривоят қилинади:

«Ҳишом ибн Омирнинг олдидан ўтиб, сўнг Имрон ибн Ҳусойннинг олдига борардик. Бир куни у шундай деди: «Сизлар менинг олдимдан ўтиб, шундай кишилар олдига борасизларки, улар Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг ҳузурларида мендан кўп бўлишмаган, у зотнинг ҳадисларини мендан яхши билишмайди. Мен Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг **«Одамнинг яратилишидан тортиб то Қиёмат қойим бўлгунча Дажжолдан каттароқ фитна йўқ»** деганларини эшитганман».

Муслим ривоят қилган.

